

ШАРТЛИ ХУКМ ИНСТИТУТИНИНГ ТАРИХИ ВА АҲАМИЯТИ



Abstract:

Мазкур мақолада жазони ижро этишдан озод қилишнинг бир тури ҳисобланган “Шартли ҳукм институти”, унинг тарихи ва ривожланиши, шунингдек, аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Key words:

Авесто, жазо, кодекс, Карим,
Жиноят қуръони шартли ҳукм.

Author of the article:

Workspace (Education subject)

Жўраева Ноила Баходир қизи

Кириш:

”Барчамизга аёнки, бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд идораларининг асосий вазифаси аксарият ҳолларда одамларни жазолашдан иборат бўлиб келган. Бу - аччиқ ҳақиқат. Биз жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз”.¹

Шартли ҳукм институтининг ривожланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Хусусан, бундан уч минг йил олдин яратилган “Авесто”да ҳам инсоннинг муқаддаслиги борасида сўз боради, унга кўра жазо бериш синаб кўриш қоидалари асосида олиб борилган. Кейинчалик мамлакатимизга ислом дини кириб келди. Ислом динининг муқаддас манбаси бўлмиш Қуръони Карим ўрта аср цивилизациясида йирик ҳодисалардан бири: “Мусулмон ҳуқуқи” ни яъни шаъриятни юзага келишига сабаб бўлди. Бу эса ўша даврда айбдор шахсга жазо қўлламасдан, синов натижасида унга имкон берилишига сабаб бўлган. Шу билан бир қаторда суд шариат қоидаларига мувофиқ содир этган жиноятдан келиб чиққан оқибат ҳамда айбдор шахснинг шахсини ўрганиб чиқиб, унга жазо қўлламасдан мулкий мажбуриятларни юклаган. Бу ҳодисани биз қонунчилигимиздаги шартли ҳукмнинг қадимги кўриниши дея

1. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.-Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018 айта оламиз. Шартли ҳукм қилиш, яъни жазодан шартли равишда озод этиш Мўғуллар давлатида, Темурийлар давлатининг А.Темур ҳукмронлик йилларида ҳам мавжуд бўлган бўлиб, уларнинг бир биридан фарқи шундаки, мўғуллар давлатида фақатгина хон авлодлари, мансабдор шахслар ва

гвардиячилар биринчи марта қилган жинояти учун кечирилган бўлса, темурийлар давлатида жиноят содир этиб, амалда пушаймон бўлган ҳар қандай табақа вакиллари биринчи марта кечирилган, такроран жиноят содир этганлар жазоланган.

Асосий қисм: “Агар суд озодлтиқдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаш мумкин.

Бундай ҳолда башарти суд белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради”1. Шартли ҳукм институти дастлаб 1869 йилда АҚШда қўлланила бошланган. Кейинчалик “Синов тизими” номи билан Австралия ва Европага кириб келди. Шартли ҳукм Белгияда 1888, Францияда 1891, Люксембургда 1892, Женевада 1892, Португалияда эса 1893 йилдан бошлаб қўлланила бошланган.

Шартли ҳукм Собиқ иттифоқ даврида биринчи марта 1918 йилдаги “Суд ҳақидаги иккинчи декрет” да, 1919 йилдаги “Асосий қўлланма” да ва ниҳоят 1922 йилдаги РСФСР Жиноят кодексида ўз аксини топади. 1924 йили “СССР иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари асослари”да шартли ҳукм билан боғлиқ қоидалар

1 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1 қисм. 22.09.1994 й шакллантирилганидан сўнг, 1926 йилдаги Ўзбекистон ССР ЖК нинг 34 моддасида ўз аксини топди: “Шахсга мажбурий ишлатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланганида, шартли ҳукм билан бирга ҳар қандай жазо тайинланган. Синов бир йилдан ўн йилгача белгиланган”. Ушбу ҳуқуқ институти йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб борди, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, 1959 йилдаги Жиноят кодексида синовнинг максимал муддати ўн йилдан уч йилга қисқартирилгани, бугунги кунга келиб эса шартли ҳукмни қўллаш имкониятининг ошганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг 1994 йил қабул қилинган Жиноят Кодекси 72 моддасида шартли ҳукмни қўллашнинг бугунги кундаги шартлари келтирилган. Шу давргача озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш чоғида шартли ҳукм қўлланган бўлса, ҳозирда буларнинг қаторига интизомий қисмга жўнатиш ва хизмат бўйича чеклаш ҳам киритилиб, ҳукм қўллаш мумкин бўлган жазоларнинг сони тўрттага йетди. Бу эса коинот гултожи ҳисобланган инсоннинг жамиятдаги ўрни ва қадрини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Дастлаб 1994 йилдаги Жиноят кодексида: “Шартли ҳукм, илгари қасддан содир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларга нисбатан қўлланилмайди” – деб мустаҳкамланган эди. 1996 йил 27 декабрьда ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан бойитилди ва у қуйидагича кўриниш олди: “Шартли жазо белгилаш тартиби ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганлар, илгари содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар ва олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно”1.

1. Lex.uz

Хулоса:Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, адашиб жиноятнинг чиркин кучаларига кириб қолганларни тўғри йўлга солишда шартли ҳукмнинг ўрни беқиёс. Шартли ҳукм институти мамлакатимизда инсонпарварлик принципини амалга оширишда жуда катта рол ўйнайди, десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.lex.uz.

2.Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: Адолат, 2003.

3.Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 1 қисм. 22.09.1994й.

4.”Шартли ҳукм институтининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш”. Монография. Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021 й.